

ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА КЛИНИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Уринова Шарофат Ахтамовна

Бухоро давлат тиббиёт институти
Акушерлик ва гинекология кафедраси
мустакил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13959362>

Аннотация. Мақолада тиббиёт олийгоҳлари гинекология фанини ўқитиш жараёнида бўлажак шифокорларнинг клиник тафаккурини шакллантириш технологиялари самарадорлигини илмий ҳамда экспериментал жиҳатдан асослаш ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: олий таълим, клиник тафаккур, гинекология фани, педагогик мулоқот.

Жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот марказларида педагогик мулоқот воситасида талабаларнинг касбий тафаккурини ривожлантиришнинг креатив механизмларини амалиётга татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, акмеологик ёндашув асосида бўлажак мутахассисларнинг касбий тафаккурни таркиб топтириш, мулоқотмандлик мотивини шакллантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Дунёда тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларида касбий ахлоқни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, бўлажак тиббиёт ходимларида касбий фаолиятга аксиологик муносабатни шакллантиришнинг рефлексив тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларда коммуникатив компетентликни шакллантиришнинг касбий фаолият билан идентификацияни таъминлаш, коммуникатив компетентликни шакллантириш орқали касбий салоҳиятни жадал ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Шахсий компетенцияларни таянч лаёқатлар билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш орқали бўлажак тиббиёт ходимларида касбий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, касбий фаолиятда самарали мулоқот техника ва технологиясини қўллаш олиш малакасини шакллантириш муҳим долзарблик касб этади.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Тафаккур атроф- муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, ҳулосалар шаклида ифодаланади.

Клиник тафаккурни шакллантиришнинг репродуктив босқичида, асосан ўқитишнинг репродуктив: сўровнома, тушунтириш, такрорлаш методларидан фойдаландик. Бу босқичда талаба асосан назарий ва амалий билимларни ўрганиб, қўллаб, кейинги фаолияти муваффақиятини таъминловчи кўникма ва малакаларни эгаллаган ҳолда, педагогик таъсир объекти сифатида намоён бўлди. Бу жараёнда талабалар томонидан ўқув фаолиятидаги турли йўналишдаги эҳтиёжларини

шакллантириш ва шу асосда қизиқишлари ҳамда касбий аҳамиятли мотивларни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Клиник тафаккурни шакллантиришнинг фаолиятли-норматив босқичида талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган методлар ва усуллар етакчи ўринни эгаллади. Талабанинг педагогик меҳнати асосан ижодий ҳисоблансада, норматив характерга эга бўлади, қайсиким, ижодий жараён маълум ва тегишли қонуниятларга бўйсунган ҳолда ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади. Талабалар ўқув тайёргарлигининг аниқ шаклида қарор қабул қилиш ва таҳлил методларини ўрганиб, вазифаларни ечишнинг муаммоли ҳамда инверсион ижодий методлари билан танишадилар, оригинал тафаккурни ривожлантиришнинг усулларини қўлайдилар. Бунинг учун мушоҳада қилиш, исботлаш ҳамда мунозара методларини қўллаган ҳолда талабалар учун дивергент тафаккур қилиш қобилиятини ривожланиши, оригиналлиги, маҳсулдорлиги учун зарур шартшароитлар яратдик.

Клиник тафаккурни шакллантиришнинг ижодий босқичида талабаларнинг турли фаолият турларини амалга оширишдаги мустақил ишларини фаоллаштириш вазифалари ечилди. Ижодий қобилиятларни янада ривожлантириш, ижодий тажрибани шакллантиришга қаратилган муаммоли ҳамда инверсион методлардан фойдаландик. Асосий эътибор ўз фаолияти рефлексияси, унинг натижаларини танқидий таҳлил қилиш, қўйилган вазифаларни ечиш йўллари топиш ва таклиф қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди.

References:

1. Urinova Sh. A. «Clinical aspects of the use of laser photodynamic therapy in cervical pathology» Euroasian Journal of Medical and Natural Sciences Innvative Academy Research Support Centr P.353-355
2. Urinova Sh. A. «Open class as a way to motivate the use of interactive methods in gynecology» Academia: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com>.ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 01, January 2022. P.2499-2504 P.2499-2504
3. Urinova Sh. A. «Modern Educational Pedagogical Technologies as a Factor of improving the qualityof education» International Journal of advanced research in engineering and applied sciences ISSN:2278-6252 Vol.11, Issue 02, February2022 Impact Factor:7.687 P.2569-2572
4. Urinova Sharofat Axtamovna “USING SITUATION ASSIGNMENTS IN FORMING STUDENRS’ CLINICAL THINKING” . Central Asian Journal OF EDUCATION AND INNOVATION, 2 (8) 2023 P.40-44
5. Urinova Sharofat Akhtamovna USING SITUATIONAL TASKS IN FORMING STUDENTS THINKING. ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE, 2(20) 2023 P.94-98
6. УРИНОВА Шарофат Ахтамовна «Талабалар клиник тафаккурини шакллантиришда вазиятли топшириклардан фойдаланиш». Pedagogik Mahorat ilmiy-nazariy va metodik jurnal. № 9/2023.10.P.143-146.